



КОМПОЗИТОР АНОР НАЗАРОВ ҚЎШИҚЛАРИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Бойчаева Нозбуви,
Санъатшунослик факультети
катта ўқитувчиси.

Аннотация:Компазитор Анор Назаров ижодида Ватан туйғусини тараннум этишнинг тарбиявий аҳамияти. Қўшиқларда Ватанпарварлик ва инсонпарварликни улуғлаш. Қўшиқлар мазманини, ижродаги ўзига хос мураккаб жараёнларни тўғри англаш ҳамда асарларнинг тарбиявий маънавий мазмунига эътиборни қаратиш. Мусиқа санъатида кўшиқнинг шеъри ҳамда ижрочилик маҳоратига эътиборни қаратишнинг касбий мазмунини теран англаш.

Калит сўзлар:Компазитор, кўшиқ, мусиқа, санъат, ижрочи, асарлар, овоз, романс , академик ижро, овоз турлари.

Аннотация:Воспитательное значение воспевания чувства родины в творчестве композитора Анора Назарова. Воспевание патриотизма и человечности в песнях. Правильное понимание содержания песен, сложных процессов исполнения и внимания к учебному и духовному содержанию произведений. Глубокое понимание профессионального содержания песни в музыкальном искусстве с упором на поэзию и исполнительское мастерство песни.

Ключевые слова: композитор, песня, музыка, искусство, исполнитель, произведения, звук, романс, академический перформанс, звуковые типы.

Annatation:The educational significance of singing the feeling of homeland in the works of composer Anor Nazarov. Praising patriotism and humanity in songs. Correct understanding of the content of songs, the complex processes of performance and attention to the educational and spiritual content of the works. Deep understanding of the professional content of the song in the art of music, focusing on the poetry and performance skills of the song.

Keywords: Composer, song, music, art, performer, works, sound, romance, academic performance, sound types.

Анор Назаровнинг яратган кўшиқларида, ўзига хос бетакрор жозибани, эзгуликка йўғрилган соф инсоний меҳр оқибатни, юксак ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини, ижрочи ва тингловчи ҳам қалбан ҳис этадиган сеҳр мавжуддир. Абдулла орипов шеъри "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", Жуманиёз Жабборов шеъри "Ватан азиздир", Йўлдош Оташ шеъри Ўзбекистон муштарак, Муҳаммад Юсуф шеъри "Эй азиз Ватан", ва бошқа кўшиқларида, Ватан туйғуси муқаддас эканлигини янги авлодларни муносиб ворислар сифатида тарбиялашда муҳим воситадир. Композитор яратган кўшиқларнинг мазмун ва моҳиятини янги авлод онгу-шуурига сингдиришда ўзига хос буюк аждодларга муносиб варислик руҳида тарбиялаб таълим беришда муҳим маънавий, маданий, мафкуравий мазмунга эгаллиги билан тавсифланади. Баркамол авлодларни давр талаби асосида ҳар томонлама билимли, ақл идрокли, салоҳиятли, ички ва ташқи маънавиятли, маданиятли, ҳалол ва пок шахслар этиб тарбиялашда улардаги меҳнатсеварлик, ижодкорлик, тadbиркорлик, ҳамда эртанги кунга ишонч руҳида тарбиялаш зарурати долзарб муаммодир.

Халқ қаҳрамони шоир Абдулла Орипов шеъри билан айтиладиган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" номли кўшиқ Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари ва барчамиз учун сеvimли ва ардоқли кўшиққа айланган. Бунга сабаб Ватанимиздаги бирдамлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик, барқарорлик ва ўзаро дўстона муносабатлардир. Ўзбекистонда халқимизга хос одат киндик қони томган жой барча миллатлар учун Она Ватандир. Бундай эзгулик руҳида яшашимиз учун барча миллатларнинг тенг ҳуқуқли, кадрли ва давлат ҳимоясида эмин эркин яшаши, ижод қилишига имкониятларнинг мавжудлигидир. Шунинг учун шоир ва композиторнинг ҳамкорлигида яратилган кўшиқни барчамиз гурур ва ифтихор билан куйлаймиз. Чунки, Мустақил Ўзбекистон давлатида яшаётган барча миллатлар учун юртимиз Она Ватандир.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?

Нечун Ватан дея еру осмонни

Муқаддас атайман, атайман танҳо?

Барчамиз учун Она битта бўлганидек, Ватан ҳам ягонадир.

Юқоридаги жумлаларни кўшиқ қилиб куйлар эканмиз, қалбимизда

Ўзбекистон фарзанди эканлигимиздан фахр ва ифтихор туйғулари жўш уради. Буюк аجدодларимиз руҳи, барчамизни улар каби мард, жасоратли, фидойи, Ватанга садоқатли, даъюррак, ворислар бўлиб камолга етишимизни, бурчимизни теран ҳис этиб, яшашимизни ҳар он, ҳар лаҳза унутмасликка даъват этади. Ватан туйғуси, Анор Назаров ижодидаги энг юксак, энг мукаммал, энг теран туйғу бўлганлиги учун ҳам, композитор бу мавзудаги кўшиқларга қалб кўри, кўз нури, теран билим ва маҳорат билан ижод қилганлиги, муқаддас туйғулари маҳсули сифатида яратилганлигини кўрамыз.

Композитор кўшиқларини куйлар эканмиз, буюк аجدодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоийлар ўз юрти учун азиятлар чекиб, мамлакатнинг тинчлигини, асраш учун фидойилик кўрсатганларини ёд этамыз. Бундай туйғу айниқса, Ватанни мадҳ этувчи кўшиқлар васитасида тараннум этилганда, барчани шижоатга, мардона яшашликка, буюк аجدодларимиз каби ватанпарвар ва инсонпарварликка чорлайди. Бундай кўшиқлар баркамол авлодларни;

-аждодларимиздек мард, жасур, жасоратли ҳалол пок инсонлар бўлиб, шакилланишига;

-тарихий Ватанимиз тақдирини, халқимизнинг қадимий қариятларини эзозлашга;

-ҳамиша Ватан ҳимоясига шай туришга;

-миллий маънавий, маданий, маърифий, мафкуравий туйғуларни қалбдан ҳис этиб яшашга;

-ёшларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга
замин яратади.

Анор Назаров яратган кўшиқларни ўрганар эканмиз, Ватан туйғусининг мазмун ва моҳиятини ҳам, ўзлигимизни англаган каби Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиз ва вазифаларимизни янада чуқурроқ англаб борамиз. Ўзбек халқининг ардоқли, сермаҳсул ижодкор композитори яратган "Ватан азиздир" ёки (Одамлар авайланг бир-бирингизни) деб ҳам юритиладиган асарининг шеърини Жуманиёз Жабборов ёзган. Романснинг биринчи ижрочи Ўзбекистон Халқ артисти Муяссар Разоққова бўлиб, ўзига хос маҳорат билан куйланган бу асар, шох асарлар сирасига киради. Бу асар академик вокал ижрочилигидан махсус маълумотга эга бўлган, катта ва кенг диапазонга, юқори тоналликдаги

кларатурали сопрана овоз турига эга бўлган вокалистларга мўлжаллаб ёзилган романсдир. Бу турдаги овоз ўта ҳаракатчан бўлиб, ўзининг жуда тиник, ва нафислиги, жарангдорлиги, ингичка тембри билан бошқа овоз турларидан ажралиб туради. Бу борада композитор танлаган ва маъқул келган шеърнинг мазмуни, мақсади, ҳамда танланган вокалистнинг академик ижрочиликдаги маҳорати, асар муъаллифининг муваффақият маҳсули дейиш мумкин. Бу асар шундай жумлалар билан бошланади;

Дунёда Ватандан азизроқ не бор,

Не мавжуд Ватандан гўзал, улуғвор.

Ватандир ҳаётнинг кўрки, гултожи,

Яшамок маъноси, умр ривожи.

Ушбу жумлалардан – Ватан ҳиссини қалбдан англаб, болалигимиздаги туғулиб ўскан маҳалламиз, мактабга борган илк кунимиз, биринчи устозимизнинг жажжигина қўлларимиздан ушлаб ёзишни, ўқишни, ўргатган беғубор маъсум дамларимизни эслашдир.

Кейинги жумлаларда ҳам барчамизни туғилиб ўсган Ватанимиздан кўнгилларимизга малҳам, куч қувват, ирдок олишимиз ва эл-юртимиз тақдиридан ҳамиша огоҳ бўлиб, яшашга ундайди.

Билингки, ҳаётда ҳар битта одам

Ватандан кўнглига олгайдир малҳам.

Эл-юрт тақдиридан бўлингиз огоҳ,

Ким огоҳ бўлгайдир, севгайдир Оллоҳ.

Анор Назаров ўзининг ижодий фалоияти мобайнида ўзбек мусиқа санъати маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. У эстрада симфоник ва миллий куйлар уйғунлигидан иборат янги йўналишга асос солди. Композиторнинг ижоди хорижда ҳам эътироф этилган. Унинг асарлари Франция, Россия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар катта оркестирлари репертуаридан ўрин олган.

Ҳадису шарифда “Ватанни севмоқ иймондандур” дейилган. Ватан бу жон ва тандир. Келажак авлодларни, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, мукамал ёзилган асарлар воситасида, улар онгига Ватан туйғусини

сингдирмоқ , уни аждодларимиз каби теран ҳис этмоқ, ворислик ва комиллик руҳида тарбияламоқ давр тақозасидир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони 1-илова “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: [www lex/uz/](http://www.lex/uz/)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 19 март.” Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус.”
3. Анор Назаров.”Наволарим сенга, она- юрт”. Т.”Ўқитувчи” 2001.
4. А.Иброҳимов. Х.Султонов.”Ватан туйғуси” Т.”Ўзбекистон”-1996